

РЎЗНОМА  
1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

● № 89 (2353)

● 1991 ЙИЛ 25 ИЮЛЬ

● ПАИШАНБА

● БАҲОСИ 10 ТИИИН.

## АКС-САДО

**«ИЛГАРИ ҲАМ  
СУДЛАНГАН»**

Рўзноманинг 16 июль со-  
нида юқоридаги сарлавҳа би-  
лан чоп этилган мақолани  
мен дигъат билан ўтиб чиқ-  
дим. Унинг муаллифи жуда  
долзарб мавзуга қўл урган.

Маълумки, баъзи чет мам-  
лакатларда қотиллик қилган  
кишига ўлим жазоси берила-  
ди, ўтирилк қилганларнинг  
қўли ёки қўлоги кесилади.  
Ҳирс бандалари эса тошбу-  
рон қилинади. Масалан, Сау-  
дия Арабистонидан ҳам худди  
шундай жазо чоралари бор,  
шу сабабли у ерларда жино-  
ятчилик деярли йўқ даражада  
экан. Бизда-чи? Мақола  
муаллифи айтганидай, қасд-  
дан одам ўлдирганларга ҳам  
етти-сақкис йил қамоқ жазо-  
си берилади. Undайлар ҳеч  
қачон қайта тарбияланмай-  
дилар. Аксинча у ерда бош-  
қа «хунар»ни ҳам ўрганиб  
келадилар. Озодлика чиқ-  
қандан кейин эса бирор жой-  
да ёлчитиб ишламайдилар.  
Натижаси беш қўлдай маъ-  
лум, қайta жиноят қилди-  
лар. Мақолада тилга олин-  
ган Ф. Шарипов ҳам илгари  
инки марта қасдан одам ўл-  
дириб, қамалиб чиқдан экан.  
Шундай бўлса-да, бу нонкўр  
арзимаган жанжал баҳона  
яна иккى одамни бўғизлаб  
ўтирибди. Менимча бундай  
худобезориларни аҳоли ол-  
дида, катта майдонда жазо-  
лаш, ўшанда ҳам осиб ўлди-  
риш шарт, токи бошқаларга  
ўрнак бўлсин.

**Абдулла ТОЛИПОВ,**  
мехнат кексаси, Тоши-  
кент шаҳри.

## Кўргазмага марҳамат

**АНЖОМ БУТ БЎЛСА...**

Замон билан бирга жиноят-  
чининг қиёфаси ҳам ўзгариб  
бормоқда. Бугун улар фойдаланаётган техника ва қуролга  
ҳатто ҳуқуқ-тартибот посонла-  
ри ҳавас қилишади. Қудратли  
автомобиль, ихчам алоқа воси-  
талари, замонавий ўқотар қуроллар уюшган жиноятчиликни  
ута ҳафли рақибга айлантири-

ди. У мақсадига эришиш йўли-  
да ҳар қандай тўсиқни янчид  
ўтишга, курбонлар сони билан  
хисоблашмаслика тайёр.

Тобора палак отаётган, сур-  
бетлашиб ва тап-тортмай бора-  
тебетган жиноятчиликни қарорлар  
турган иучлар нимага эга? Ал-  
мисондан қолган техника, ан-  
жом, аслала ёрдамида мили-

ция ходимлари қўлларидан  
келганича кураш майдонига  
чиқишмокда. Яна бир аччиқ  
ҳақиқат. Бугун жанговар шиор-  
лару сермазмун қарорлар би-  
лан эл тинчини бузувчиларни  
тиз чўктиришнинг иложи йўқ.

(Давоми З-бетда).

**ОТ ЭМАС, ҚЎЙ КЕРАК**

Хеч қаерда ишламаганлар-  
нинг ҳам кўнгли, бор. Улар-  
нинг ҳам яхши кийингиси, еги-  
си, ўйнаб кулгиси келади. Лә-  
кин булар куруқ ашулага бе-  
рилмайди. Шунинг учун нима  
қилиш керак? Кўлда хунар  
бўлмагандан кейин кийин-да..

Жўрабек 1972 йилда туғил-  
ган, Мўмин 1973 йилда. Иккиси  
ҳам ишламайди. Лекин ор-  
гулари бисёр.

Уларни бекорчилик айнитди,  
дессан янглишмаймиз. Бўлма-  
сам Қува туманидаги «Комму-  
низм» жамоа хўжалиги сари  
йўл олишармиди. У ердан  
девлат нархи 1500 сўмлик отни  
етаклаб кетиши. Тулпорни  
танишлари X. Маткаримовага

сотишмоқчи эди. Аммо у:  
— Менга от керак эмас,  
қўй керак. Қўчкор бўлса, яна-  
ям яхши, — деди.

— Майли, отга ҳам хари-  
дор топилар.

Туябўйин қишлоғилик F. Ни-  
зомов 1250 сўм нақд тўлаб,  
йўргалик бўлди.

Йигитчалар Ҳакимни қўйлик  
қилиш ниятида Каркидан сув  
омбори худудига келиб, А.  
Маҳаматовнинг қўйини бағил-  
латмасдан олиб чиқиши. Жо-  
нинор 180 сўм эзвизига X. Мат-  
каримовнинг сурувинга кўшилди.

— Қўй бизнинг дидимиизга  
тўғри келмади. У ҳам ўтирил-  
ик, бу ҳам ўтирилик. Шунақа

зкан отларни кўзлайверниш ке-  
рай, — деди Жўра.

Шу ҳудудда яшовчи R. Са-  
дировнинг ҳам самани ювоши-  
гина чиқди. Етаклашган эди,  
итоаткорона измайиз кетавер-  
ди. Оғайнилар уни F. Низомовга 900 сўмга туллашди.

Улар «Коммуна» жамоа хў-  
жалигига тегиши бўлган нар-  
хи минг сўмлик йўргани ҳам  
бир зумда жиловлашди. Уни A.  
Қирғизовнинг қўйига топ-  
шириб, 750 сўмниң қуртдай  
санаб олдилар.

Лекин отларидан айрилган-  
лар ҳам чапак чалиб турнишга  
йўқ. Тегиши идораларга  
шу заҳоти хабар килиши. Милиция

рилган изларни, нотаниши ким-  
саларни кўрган гувоҳларнинг  
кўрсатмаларига, асосланиб, сў-  
раб-сурнштириб, ўғрилар шахс-  
ларни аниқлашга эришилар. Бу  
ишига аралашган яна бир  
кимсаннинг «фаолияти» ошкор  
бўлди. 1969 йилда туғилган,  
ҳеч қаерда ишламайдиган  
Мухтор Салимов йигитчалар  
билин жинойи тил биринчи-  
риб, ўғриланган молларни ҳа-  
рид қилган ва уларни сўйиб  
сотган.

Ушбу жинойи гурӯҳ билан  
бирга Ҳаким Маткаримов ҳам  
жазоланди. Чунки у Жўра ва  
Мўминлар келтирган қўйи  
ўтириланганигини била туриб,  
бу ҳақда тегиши жойларга  
хабар қилимаган.

Арzonнинг шўрваси татимас,  
деган нақл бежиз айтимаган,  
ахир.

М. ИБРОҲИМОВА.

ФИКРИМНИ  
БИЛДИРАМАН**МАСЬУЛИЯТ  
ЛОЗИМ**

Улов чамбарагини тут-  
ган ҳайдовчилар томонидан  
йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши нати-  
жасида турли ноxуш во-  
қеаларнинг содир бўлиши  
ҳақида қайта-қайта таъкидлаб ўтилади, албатта.  
Афуски, шаҳримиз ўлларида ҳар куни бун-  
дай кўнгилсизликлар тез-  
тез рўй бериб туриби.

Ноxушликларга фақатни  
на ҳайдовчиларни айборд  
қилиб кўрсатиш ҳам ин-  
софдан эмас. Чунки йўл  
чеккаларида қўйилган бел-  
гилар баъзан ҳайдовчи-  
ларнинг ўзларини чалғи-  
тиб қўймоқда. Ёки ўз  
вақтида қўйилмаган ке-  
ракли йўл белгилари пиё-  
даларнинг бошига гам-  
кулфатлар келтирмоқда.  
Фикримизнинг исботи учун  
шу ерда бир неча мисоллар  
келтириб ўтмоқчимиз.

Талабалар шаҳарчаси  
шаҳримиздаги энг гавжум  
жойлардан бирни ҳисобла-  
нади. Чимбой кўчасидаги  
чорраҳадан маддий-оқар-  
туб техникумигача иккита  
светофор қўйилган. Ана  
шу масофада (қарийб бир  
ким) йўлнинг иккала чек-  
касида ҳам тезликни чек-  
лайдиган бирорта белги  
йўқ. Машиналар эса бу  
ердан кечаю кундуз ти-  
нимис ҳаракат қилади.  
Натижада йўлнинг айнан  
шу кисмидан бир неча мар-  
та рўй берган баҳтисиз во-  
қеаларнинг жонли гувоҳи  
бўлганимиз.

Яна бир мисол. Талабалар  
шаҳарчасида улов сақ-  
ланадиган бекат бор. 29  
июнь куни машинани ўша  
жойга қўйиш учун кираёт-  
ганимизда бозорчага ет-  
масдан иккиси ДАН ходими  
тўхтатди. Йўл қоидасига  
амал қилмагани-  
мизни олиб қўйиши. Биз  
Қорақамиш даҳаси томонидан  
кириб келган эдик. шунинг учун ҳеч  
белиг йўқлигини айтдик.  
Шунда улардан бирни йўлнинг  
«ҳаракат фақат тўғри-  
га» йўл белгисини кўрсат-  
ди. Биз шу ерда ўзимизни  
оқламоқчи эмасмиз, аммо  
бу йўл белгисини кўр-  
манимизнинг сабаби — уни  
даҳатлар орасида кўрин-  
май қолиб кетгани. Шунинг  
учун ҳам уни кўрмай  
қолганимиз. Лекин автома-  
шина тўхташ жойига ки-  
риладиган бурилишда «ки-  
риш таъқидалади» белги-  
си нима учун қўйилмаган?

Киссаси, йўл ҳаракати  
қоидалари билан боғлиқ  
муаммолар талайгина. Биз  
шу соҳа масъуль кишилари  
мазкур муаммоларни яқин  
кунлар ичади, ечишади, деб  
умид қиласиди.

Юсуф ҲАМДАМОВ,  
ССЖИ журналистлар  
уюшмасининг аъзоси.

«КОРАДОРИ-91»

## Келажаги порлок бўлсин

Гиёхвандликнинг оқибати фожиа билан тугаши ҳақида деярли ҳар куни гапирилмоқда. Одамларни ёхтиёт бўлишга ҷақирилмоқда. Афуски, кўпгина кишилар кўкнорининг заҳри қотил эканлигини била туриб, томорқаларига, уй ичларига яширинча экмоқдалар.

Туманимиз ИИБ ходимлари бундай кимсаларга ҳар доим сергаклик билан қараб келмоқдалар. Масалан, 1989 йили туман бўйича 36 нафар фуқаронинг кўкнори экилган даласи аниқланди ва ўқ қилиб ташланди ҳамда б нафар гиёхванд рўйхатга олинди. Утган йили 54 жойдаги заҳри қотил ўсимлиги йўқ қилинди. 11 киши гиёхвандлиги учун рўйхатга олинди. Бу йил эса деярли олти ой ичидаги 63 нафар фуқаронинг жами 713 квадрат метрдаги кўкнориси ўриб олинди.

Ачинарлиси шукки, бу ўсимлики экувчиларнинг кўпчилиги кексалардир. Фарзандларига ақл ўргатиш, насиҳат бериш ўрнига уларнинг бу қиликлари таажжуланарли ҳолдир.

Энди бу раҳамларга назар ташлайлик. Шу йил «Октябрнинг 60 йиллиги» давлат хўжалигига яшовчи 7 кишининг 159 квадрат метр, Қайтош қўргонида истиқомат қилувчи 13 кишининг 158 квадрат метр, Ғафур Гулом номли давлат хўжалигига 8 фуқаронинг 148 квадрат метр, «Фаллаорол-1» давлат хўжалигига эса 13 нафар одамнинг 60 квадрат метр жойдаги кўкнорилари аниқланаб, ўқ қилиб ташланди. Шу ўринда огули ўсимлики экувчиларнинг исм-шарифларини ҳам келтирмоқчимиз. «Гулестон» давлат хўжалигига истиқомат қилувчи Гулой Бурхонова 18 квадрат метр, Каромат Исматова 4 квадрат метр, Маматқул Қўшибоқов 4 квадрат метр, Ленин номли давлат хўжалигига яшовчилар — Момоҳол Ҳиринбоеva 4 квадрат метр, Муҳтарам Сорибоева 2 квадрат метр, Багорное стансиясидан Зулфия Еркулова ва Салли Турсуновалар 2 квадрат метрдан, Ғафур Гулом давлат хўжалиги фуқароси

Умрзоқ Эйлибоев эса 4 квадрат метрга кўкнори экканлиги аниқланди. Юқорида тилга олинганларнинг барчаси ҳали суди олдида ҳақоний жавоб бердилар.

Бизни ҳайрон қолдирдиган ҳоллардан яна бирини шукки, кўпчилик қишлоқ Кенгашлари, ҳўжалик, ташкилот ва жамоаларнинг раҳбарлари ўзларига тегишли бўлган ҳудудда қандай гайриқонуний ишлар юз берадиган билан қизиқмайдилар. Уларнинг назарида қорадоришуслар билан фақат милиция шуғулланиши шарт. Ахир, бу барча-барчамизнинг бурчимизку. Гиёхвандликка қарши биргалашиб курашмасак, оқибати ёмон бўлиши турган гап.

Шу ўринда яна бир нарсанни айтиб ўтмоқчимиз. Кўпгина кексаларимиз кейинги пайтда шифохоналарга келиб, ўзларининг 15-20 йиллардан бери кўкнори истеъмол қилиб келётгани, шунинг учун улар кўкнори ичмаса, касал бўлиб қолишларини айтиб, маълумотнома беришларини, тўғрироғи кўкнори иши учун рухсатнома беришларини талаб қиласидилар. Матъумки, бундай маълумотномаларни тибиёт ходимлари бермайдилар. Ҳаққи ҳам ўқ. Яхиси, анча йилдан бери кўкнориҳўрлик қилиб келганлар шифохоналарга ётишга келсинлар. Бундайларга ҳеч қандай жазо қўлланилмайди. Қайтанга улар шифокорлар томонидан даволанади. Кейин эса заҳри қотилга ҳожкат қолмайди. Соғлиги яхшиланади бораверади.

Пайтдан фойдаланиб айтиб юмористик: бобожонлару моможонлар, ўзларингизни ҳамда фарзандларингизни заҳарламангарлар. Улар соғлом бўлиб ўсишсин. Эгри йўлга қадам қўйганларни эса бу ишдан қайтаринг. Ана ўшанда жигаргўшларингизнинг келажаги порлок бўлади.

**Х. МАМАНАЗАРОВ,**  
Фаллаорол тумани ИИБ  
бошлигининг ўринбосари  
милиция капитанни.

**А. КОРНИЛОВ,**  
Фаллаорол тумани марказий  
касалхонаси нарколог-врачи.

Ҳали ўн саккизга ҳам етмagan олти нафар ўспирин қорону камераларда ётишибди. Бирин-кетин суроқка бориб келишади-да, яна заҳри союк хонада ҳаётнинг шафқат-сизлигидан полу ҳайрон бўлганча жунникик ўтираверадилар. Тўғрироғи суд қандай ҳукм чиқариши ҳақида ўйлайдилар.

Тошкент шаҳар ИИБ терговчиси милиция лейтенанти Турсунбой Раҳматуллаев берган саволларга кўзларида ёш билан ҳиқиллаганча жавоб қайтарадилар.

Улар нега бу ахволга тушдилар? Ким айборд? Ахир, туғилганларида фарзандлари ўғри бўлишини ота-онаси ҳаёнига ҳам келтирмаган-ку? Лекин, начора, жигаргўшаларнинг шу ҳолга тушшига уларнинг ўзлари ҳам сабаби.

...Онладаги келишмочилик, эр-хотин ўртасидаги низо охир-оқибат ажralиши билан якун топди. Эндинга фикр юритаётган, дунёга ҳайрат ва ҳавасла боқаётган, ҳали яхши ёмоннинг фарқига унча бормайдиган болалар ора йўлда қолди. Отанинг ортидан борай деса, ўғай онанинг заҳри-закуми, онанинг этагидан тутай деса, ўғай отанинг хўмрайган қош-қовоғи, союк башараси...

Кисмати уларни бирлаштириди. Қайсиdir бир ташкилотга тегиши бўлган ташландиқ вагон уйча уларнинг «маконига айланди. Ҳар ҳолда хиёбондаги ўтиргич, подвалларда ётгандан кўра бу жой анча дуруст эди. Аста-секин «ғилдиракли уй» соҳибалари ҳам топилди. Етиб туриш учун кулба, кўнгилкүшлик учун соҳибалар, бошқача чўнчиликтан ҳамма нарса етарилик дед эди. Лекин қорин кургурнинг гулдираши, очлик тинчлик бермасди. Бирорларнинг чўнчиликтаги қўл солиш, кўнгилка сунмек олиб қочиши жонга тенканди. Мўмайроқ ўлжани кўлга киритиш учун биргалашиб бош қотира

Ҳазораси тумани умури овқатланиш корхонаси қарашли қандолат цехининг мудири Зарифбоя Собиров тақчиллик ва етишмовчиликдан ўз ҳисобига фойдаланимокчи бўл-

ди. У ҳе йўқ, бе йўқ, худди ўзининг экинзоридан унидириб, тегирмонда туйдирб қўйгандек уч қоп уни белини буқчайтирасдан цехдан олиб чиқди. Харидорлар ҳам тайёр

екан, энди орқалатиб пулни санаб турганида, туман ИИБ қўриқлаш бўлимининг ходими милиция сержантини Э. Собиров халақи беруб қолди. Агар соқчи ўз постида ҳушёр турмаганида борми, ким билади дейсиз мудир яна неча қоп унини ҳазм қилиб юборади?

## МУДИР, УННИ ҚИДИР!

## ТАШМАЧИ, ҚЎЛИНГДАГИНИ ТАШЛА-ЧИ...

Ҳазораси тумани ип-ийгирув фабрикасининг чилангари Ҳамдам Болтаев ҳеч кимдан сўрамасдан шу корхонага тегишли қурилиш молларни, яъни ёрочтахталарни девордан ошириб тушаётганида қўриклиш бўлимининг қоровули Р. Иброҳимов уни иззатикром билан кутиб олди:

— Эҳтиёт бўлинг, Ҳамдамбой, оёғингиз лат емасин!

Саъдулла БОБОЕВ.

\* \* \*

СУРАТДА: туман ИИБ қўриқлаш бўлими ходимлари (чапдан) катта инспектор милиция лейтенанти К. Юсупов, бўлим бошлири милиция майори Т.

Матёкубов, марказлашган соқчилик пульти навбатчиси И. Тоқиев, участка бригадири У. Оллоназаров, электромонтёр С. Каримов, қўлга олиш гурухи милиционери милиция сержантини Ж. Раҳимовлар навбатдаги режалар ҳақида маслаҳатлашмоқдалар.

Муаллиф олган сурат.



## ЯНГИ БИНО ҚУРИЛМОҚДА

Яқинда Хоразм вилояти ижроия қўмитасининг капитал қурилиш бўлими Гурдан туманинага МПМК-301 қурилиш корхонаси лойиҳа баҳоси 654 минг сўмлик бўлган милиция биносини қуриб беришини топширди. Айни пайтда қурилиш майдонида Шериммат Жуманиёзов раҳбарлигидаги бетончилар бритгадаси ишларни бошлаб юборди.

Шу ойнинг охиригача пойдевор қурилиши тугатилиши режалаштирилмоқда. Бу ишларга 18 минг сўм сарф бўлиши кутилмоқда. Иил охиригача эса 100 минг сўмдан кўпроқ ҳажмдаги ишлар амалга оширилади.

Умуман олганда келгуси ийларларида гурланлик осоиштиталик пособонлари ҳар томонлама қулай бўлган янги бинога эга бўладилар. Бу ҳам милиция ходимларига нисбатан қилинаётган ғамхўрликнинг бир нишонасидир.

Зиё НУР,  
Хоразм вилояти.

## РУЛДАГИ МАСТ АСКАРЛАР

Кундузи соат 12 ларда Қорақалпоғистон жумхурятини ИИБнинг навбатчиси милиция капитани Муроджон Рейимбов дарҳол бошлиқларни огоҳланиди. Шу заҳтида туман ИИБ бошлигининг ўринбосари майори П. Винтовкин ҳамма бўлиmlарга ташвишни хабар йўллади. Унда айтилишича, ҳарбий қисмлардан бирита қарашли «ЗИЛ-131» белгили юк машинаси номаълум кимсалар томонидан олиб қочилган.

Бу хабарни қабул қилиб олган Беруний тумани ИИБнинг навбатчиси милиция капитани Муроджон Рейимбов дарҳол бошлиқларни огоҳланиди. Шу заҳтида туман ИИБ бошлигининг ўринбосари майори Дузилбой Ўрзобев раҳбарлигидаги операторларни топширди. Унга ДАН ходимлари милиция сержантлари Анвар Жумабоев ва Нураддин Обдолов, кинолог милиция старшинаси Озод Болтабоев кирилди. Улар вақтини бой бермасдан ишга киришдилар.

...Узоқдан юк машинасини милиция ходимлари дарҳол танидилар. Тўхтадаги қарашли қисмларни топширди. Ҳар килдиларга борди. Охирни ҳалигилар кетгач, милицияга қўнғироқ қилди...

Тогамининг машинасини миниб келаётгандик, бузилиб қолди, ҳозирча шу ерда турсин, кейин келиб олиб кетамиз,— деди Рустам.

Уй эгаси ҳам уларнинг ганига ишонди. Кетишида бъази бир эхтиёт қисмларни ва фидирликнинг биттасини яшириб кўйдилар.

Ўспиринларнинг ҳатти-ҳаркати, ўзларни беко тутиши ўй соҳибининг кўнглигига шубҳа солди. Ҳар килдиларга борди. Охирни ҳалигилар кетгач, милицияга қўнғироқ қилди...

Орадан тўрт кун ўтгач, улар тагин келдилар. Қарашса ҳовлидаги машина ўз койида йўқ эди. Саидкаримов уйн олди, келиб тўхтади.

— Тогамининг машинасини миниб келаётгандик, бузилиб қолди, ҳозирча шу ерда турсин, кейин келиб олиб кетамиз,— деди Рустам.

Уй эгаси ҳам уларнинг ганига ишонди. Кетишида бъази бир эхтиёт қисмларни ва фидирликнинг биттасини яшириб кўйдилар.

Ички ишлар вазирлиги томонидан ҳушёр милиция ходимлари рагбатлаштирилди.

Б. САЪДУЛЛАЕВ.

## «ТОҒАСИ» НИНГ МАШИНАСИ

— Четроққа ўтказайлик,— деди Рустам.

Хилватроқ жойга охиста итариб келишгач, куч билан машинани ўтиришни очди. Лекин яна чорасиз қолдилар. Чунки машинани юргизишни ҳеч ким билмас экан. Бунинг ҳам йўли топилди. Машина ҳайдай оладиган шерикларини ҷақириб келишиди. У «Москвич»нинг Рустамнинг кўрсатмасига биноан Қорасув томонга қараб ҳайдаб кетди.

— Буни қаерга қўямиз?— ҳаҷотирланиб сўради Ашур.

— Ҳаммасини ўйлаб қўйганман,— деди Рустам.

Еш ўтирилар тушган машина

С. ШОВҚИДДИНОВ.

## Кўк ниқобли қароқчилар

«Юзига кўк ниқоб кийган кимсалар бостириб кириб, бор-йўғимизни тортқилаб кетишиди».

Тошкент шаҳридаги ичкималар бўлумига кунгара шу тахлитдаги ташвишли хабар маълум қилинди. Шаҳарликлар саросимада, милиция ходимлари эса куну тун излашида. Бироқ жиноячилар билан юзма-юз келиш оператив ходимлар учун осон эмасди. Чунки бу гурӯҳ ўта ҳушёр бўлиб, ўзидан деч қандай из қолдирасди. Улар шаҳарнинг гоҳ у, гоҳ бу туманида пайдо бўлиб, хонадонларга бостириб кирав, қўлга илинганд буюмларни олиб, уй эгаларини қон-қақшатиб кетишарди. Ноинсофлар ҳатточи одам ўлдиришдан ҳам қайтмас эдилар. Д. Умаров мана шу шафқатизлар чангалида жон таслим қилди.

Тўрт танга учун ўз падари бузрукворини ҳам ча-вақлашдан тал тортмайдиган ваҳшӣлар фаолиятига зудлик билан чек қўйиш ўта зарур эди. Ва шундай қилинди ҳам. Ниҳоят Киров тумани ИИБ ходимлари гуруҳ билан навбатдаги жиноят устида тўқашдилар. Шундагина уларнинг юзларидаги кўк ниқоби олиниб, қора ишлари фош этилди...

Хозирда тергов ишлари давом этмоқда. Шундай бўлса ҳам, уларнинг қабиҳликлари ҳақида қисқача маълумот берамиз.

Терговчи қаршисида 23 ёшли йигит ўтириби. У гуноҳидан ўтишларини сўраб, лаби-лабига тегмай жаврамоқда. Бироқ бунинг

иложи йўқлигини яхши билди. Мана унинг дастлабки сўроқда берган кўрсатмаси:

«1991 йил май ойининг ўталарапи эди. Тунги соат 24 ларда А. исмли таниш қизим билан «Тошсовет 50 йиллиги» номли кинотеатр биноси олдида айланниб юргандим. Шу пайт «ВАЗ-2107» белгили автомашинада М. исмли танишим келиб қолди. Унинг ёнида мен танимайдиган йигит бор эди. Улар билан бир оз суҳбатлашиб ўтиридим. Гап орасида ўғирлик билан пул толиш мумкинлигини айтиб, бу ишга менинг ҳалб қилинди. Рози бўлдим. Бирга «ов»га чиқадиган бўлдик.

Улар жўнаб кетдилар. Бу орада мен таниш қизимни уйига кузатиб қўйдим. Бир соатлардан сўнг улар яна қайтиб келдилар. Йўл-йўлакай Р.ни ҳам ўзлари билан олиб келишибди. Тўртловон ишилизни режалаштириб. Машинанида чек матодан тикилган тўртта ниқоб ва шунчапичоқ бор эди.

Мўлжалдаги тўққиз қаватли бино олдига бориб тўхтаганимизда, М. бизга иккича қаватдаги хонадонни кўрсатди. Сезидирмай балкон орқали ўша уйга кирдик. Хонада чамаси 50-55 ёшлардаги бир киши ухлаб ётарди. У шовқин-суронимизни эшитиб ўйғониб кетди. Биз эса дарҳол унинг оёғини борлав қўйдик.

Мен дурустроқ бирор нарса топа олмадим. Шерикларим бўлса «Панасоник» видеомагнитофони,

та тилла узук, тўрт жуфт тилла зирақ ва 2000 сўм пул олишиди. Қайтабтанимизда эса ўлжа олинган буюмлардан 600 сўм пул, бир жуфт зирақ, бир дона узаки менга беришди.

Орадан 5-6 кун ўтди. Бу вақтда М. видеомагнитофони 4000 сўмга сотиб, шундан 1000 сўми ни менга берди.

Тунги соат бирларда кимдир деразамни тақиллади. Ташибарига чиқсан М. келган экан. У яна менинг авради. Бу сафар ТошМИ яқинидаги маҳаллалардан бирига бориб, ёғоч дарвозали хонадон олдида тўхтадик. Нима қилиш кераклигини келишиб олгач, ичкарига кириб бордик. Уйда катта ёшли аёл ва икки қиз бор экан. Улар бизга қаршилик кўрсатишмади.

Яна бир куни соат 23 ларда Чилонзорда истиқомат қилувчи бева аёлникида йиғилишибди. Мақсад қайси даромадни кишининг уйига бориши ҳақида келишиб олиш эди. Назаримизга Юнусободда истиқомат қилувчи бир киши тушди. Чунки у ўхфена ароқ сотарди. Яна ўйла чиқдик. Биз пичоқ билан, М. эса қирқма милтиқ билан қуролланган эди...

Афсуски, босқинчилар бу режаларини ҳам амалга оширилар. Агарда уларнинг «салб» юришларига чек қўйилмагандан борми, яна қанчадан-қанча Умаров каби бегуноҳлар умри хазон бўлиши деч гап эмасди.

**Шовқиддин САМИЕВ.**

## УЧАРЛАР ЙЎЛИГА ФОВ

Юртимизда саҳий ёз фасли. Айни пищичилек. Лекин барibir бу йилги мавсум аввалгиларидан кескин фарқ қиласди. Сабаби маълум. Бозорларга борсангиз, нарх-навонинг баандлигидан хушингиз учади. Кўзни ял-ял товланиб ёндирадиган помидорнинг бир килоси бир сўмгача, аввалги йилда 25-30 тийин эди. Мазаси тилни ёрадиган қовун-тарвузлар бахоси эса ўртача бир ярим сўмдан пастга тушмаяпти. Колаверса, айни пищичилек пайтида ҳам маҳсулотлар бисёр эмас.

Баъзи оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтишга ўрганган кимсалар вазиятини янада мушкул этишга ҳаракат қилишадиги. Мўмай пул дардида сиз ва бизнинг ризқимизни узоқ ўлкаларга ташиб кетишига интилишадиги. Агар рақамларга мурожаат қиласиган бўлсак, жумҳурият ҳукумати қарорини менсимасидан бундай тартиббузарлар йил бошидан бери биргина Тошкентда 400 марта тўхтатиб қолинди. Яна шуниси алам қиласиди, улар танлаб ўтиришгани йўқ. Кўлларига нима кирса ортмоқлаб, узоқ ўлкаларга йўл олишадиги.

Мана, мисоллар. Милиция старшинаси Ю. Ли «Бекетмир» ДАН постида хизмат вазифа-

сини ўтаётib, 6021 КГА рақами «ЗИЛ-133» белгили машинани тўхтатди. Бу машина ўн минг шиша вино юклантан экан. Ҳайдовчи Карелия мухтор жумҳуриятига ташиб кетилаётган бу маҳсулотга тегиши ҳуқокатларни кўрсата олмади. Худди шу куни ўша томонга йўл олган 2579 КОЛ рақамли «МАЗ-504» белгили юк машинаси ушланди. Қарангки, юлдузни бенарвон уришга чоғланган А. Максименко Консонсойдан ортилган 2 тонна помидор ва 1 минг 600 шиша винони пуллашни ният қилган экан. Бу чиппакка чиқди:

«Уч қархамон» постида ҳам анча-мунча учарлар йўлига ғов ташланмоқда. Биргина милиция старшинаси Э. Раҳмонов Иброҳимов бошқарувида Ленинградга йўл олган 4247 ОР рақамли, С. Полискин бошқарувидаги Красноярскга йўл олган 7925 КЕЛ рақамли, О. Губенко бошқарувидаги Омска йўл олган 4444 ОМР рақамли машиналарни тўхтатди. Бу «азаматлар» ўзимизга етишмайтган неча-неча тоналаб помидор, саримсоғниёз, яна турли хил мебел маҳсулотларини сотиб, чўнтақ қаппайтиromoқчи бўлишган экан.

**Рамзиддин МУҲИДДИНОВ.**



Милиция ходимлари ҳар томонлама етук ва баркамол, соғлом ва бақувват бўлишлари керак. Бунинг учун эса уларни вақти-вақти билан тиббий қўриқдан ўтказиб туриш жоиз. Бу борада Хоразм вилояти ички ишлар бошқармасидаги қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунтacha улар Дўстлик шаҳри ва Ҳазорасп тумани ИИБлари ходимларини ёшасига қўриқдан ўтказиб бўлдилар. Ўзбек шифокорлардан Зарифбай Солаев, Алишер Юсупов, Александр Лян, Берта Раҳимовалар бу тадбирни намунали тарзда ўтказида ибрат қўрсатдилар.

Милиция ходимининг ҳар доим иши тигиз,— дейди вилоят ИИБ тиббий хизмат бошларни ички хизмат подполковниги Октябрь Худойберганов,— шунинг учун уларга халал бермаган ҳолда тиббий қўриқ ўтказишга қарор қиласди. Кабинетда ўтириб ишлашдан кўра ички ишлар бўлишларига боришини афзал билди.

Суратларда: тиш касалниклари шифокори Берта Раҳимова иши ўтида; участка врачи Зарифбай Солаев ўтириб зехни, катта билими ва ҳушмуомалалиги билан ходимлар ўтирибни қозониди.

**Суратлар муаллифи  
Сайдулла БОБОЕВ.**

## Кўргазмага марҳамат

# АНЖОМ БУТ БЎЛСА...

(Бошн 1-бетда).

Маккор, пихини ёрган жиночига анжоми ҳар томонлама тўқис, касб тайёрларлиги юксак милициянига бас келиши мумкин. Шуниси кувончилики, кейинги пайтда осоишишлик посбонлари эҳтиёжини қондириши борасида жумҳуриятимиз бўйича ўзгача бурилиш кузатилмоқда. Кеча ИИБ биносида жиноячилекка қарши кураш аслалалари кўргазмасининг очилганилиги ҳам бунга яққол далолат.

Полиция учун маҳсус ва криминалистик техника ишлаб чиқарига ихтисослашган Швейцариянинг «Инжиниринг консалтинг экспорт СА» ҳамда Германиянинг «Электро-коммерц» фирмалари УзССЖ ИИБ билан тузилган шартномага мувофиқ ташкил этишган кўргазмани УзССЖ Президенти хузвидаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринbosari Баҳтиёр Султонович Ҳамидов, Швейцария фирмаси вице-президенти Дюб Рольфлар очиши. Очиш маросимида УзССЖ Президент Кенгаси аъзоси, жумҳурият ички ишлар вазири Вячеслав Муҳторович Камолов ҳозир бўлди.


Шундан сўнг йиғилганлар кўргазмага кўйилган экспонатлар билан танишидилар. Жумҳурият ички ишлар вазири генерал-майор В. Камолов кўргазма залиди; фирма вакили Олаф Бауэрслеид кичик компьютерни намойиш этмоқда; кўргазма экспонатлари.

Шартномага мувофиқ кўргазма уч үйлар давомида ишлаб туради. Биз яна кўргазма экспонатлари билан танишидилар давом этамиз. Оғирлиги деярли сизилмайдиган алоқа воситалари, ихчал тасвирга олиш камераси, кичик нусха кўчириш ускунлари, криминалист жомадонлари харидорлар диккатини ўзига тортди. Шу ернинг ўзида валютага эта айрим ижроқўм, ташкилот раҳбарлари зарур техникини харид қилиши ниятида эканликларини билдириши. Савдо бошланди. Кўргазмага марҳамат. Эслатиб ўтамиш: кўргазма эшиги ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 11.00 дан 17.00 гача очиқ.

**Ф. ЖУРАЕВ,  
маҳсус мухбириз.**

**СУРАТЛАРДА:** кўргазма залидаги алвон лента қирқилмоқда; УзССЖ ички ишлар вазири генерал-майор В. Камолов кўргазма залиди; фирма вакили Олаф Бауэрслеид кичик компьютерни намойиш этмоқда; кўргазма экспонатлари.

**Ҳ. ШОДИЕВ** олган суратлар.



## КИЙИМИНИ АЛМАШТИРИШДИ

Кейинги вақтда айрим йиғитлар «номардлик» сўзининг фарқига бормай қолтан кўринишади. Катталарни беҳурмат қилиш, кичикларни менсимаслик каби иллатлар ҳам бирмунча кучайтандек.

Сергей Красников ( ўзи 19 да), Қаҳрамон Зиннатулин (18 ўш), Сердан Сероштан (17 ўш) учовлон бир бўлишиб, 15 ёшли Денис Манаков ўстидан зўравонлик қилиб, унинг эгидан 352 сўм-

лик кийим-кечакларини очиб олишаёттанди, ўзларини ҳақиқий йиғитлар, деб ҳисоблашадилар. Аммо Денисдан тортриб олинган кийимларни кўп ўтмай бошча, деч кимга ёқмайдиган кийимга алмаштиришга мажбур бўлди. Энди эса улар иккита йиғитларни магазини чиқишадиган бўлишибди.

**Маҳкам ҲАКИМОВ.**

